

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети
Журналистика факультети

РЕФЕРАТ

Мавзу: Ўзбекистон телевидениеси мустақиллик йилларида (2010-
2013 йиллар мисолида)

Бажарди: маг.К.Адашбоева
Текширди: доц. Ю.Ҳамдамов

Тошкент-2013

Бугун ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган телевидение ўзининг янги қиёфасини кашф этмоқда. Янги талаблар ва ўзгаришлар бир маромида оқаётган фаолиятнинг бу турига ўзининг таъсирини ўтказди. Эндиликда, “Bolajon”, “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyo bo’ylab”, “Navo”, “Kinoteatr” каби янги каналлар соғлом рақобат муҳитини вужудга келтирди. Янги йўналишлар ва янги қиёфалар орқали телеканаллар ўз аудиториясини кенгайтirmoқда. Хусусан телекўрсатувлар таркибига кўнгилочар дастурлар тоқшоулар, давра суҳбатлар киритилган. Бу ҳолат телетомошабин билан алоқани яънада мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Кўрсатувларнинг ранг-баранглиги томошабинга эркин танлаш имконини беради. Эндиликда такроран бериладиган кино ва сериаллар ўрнини томошабинга маънавий озуқа бериладиган кўрсатувлар эгалламоқда. Телеканалларни кузатар эканмиз дастурлар таркибидан асосан студияларда тайёрланадиган кўрсатувлар ўрин эгаллаганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган медиа марказни келтиришимиз мумкин. Бу каби муҳим ўзаришларни кузатар эканмиз даврлар оралиғида катта фарқларни кўрамиз. Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистонда амалда 2 та маҳаллий телеканал мавжуд бўлиб, кунига жами 13 соат ҳажмда кўрсатувлар узатилар эди. Қатор қарор ва фармонлар натижасида бу рақамлар ортиб, биргина 1994 йилда 16,5 соатни ташкил этса 2010 йилдан ҳозирга қадар 24 соатни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2005 йилнинг 8 ноябрдаги “Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига айлантирилди. Унинг тизимида 12 та ҳудудий телерадиокомпания, давлат унитар корхонаси шаклидаги “O‘zbekiston”, “Sport”, “Toshkent” ҳамда ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида фаолият олиб боровчи “Yoshlar” телерадиоканаллари ташкил этилди. Унга кўра аҳолини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган ҳуқуқий-демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакиллантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилаш, аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни шакиллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга ҳурмат ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш ЎзМТРКнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

2010 йилда компания тизимидаги марказий телеканаллар ва ҳудудий телекомпаниялар теледастурларининг бир суткалик эфир ҳажми жами 228 соатни ташкил этди. 2011 йилнинг 30 ноябрда Медиамарказ МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб юқори тиниқликдаги HD (High-definition) форматидаги “UzHD” телеканали ўз фаолиятин бошлади. 2012 йилда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги муҳим қарорлар қабул қилинди.

Яқин беш йил ичида телевидение нафақат кўрсатувларнинг ранг-баранглиги жиҳатдан таркибидаги техник базанинг замон талабларига қараб одимлаётгани билан ҳам тараққий топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания рақамли телевидениега ўта бошлади. HD форматига ўтиш жараёни 2017 йилгача мўлжалланган. Баъзи ривожланган мамлакатлар телекомпаниялари, айниқса европа мамлакатларидаги телекомпаниялар 2015 йилгача HD форматига ўтиш режалаштирилган. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида 2013 йил январдан ўз фаолиятини бошлаган “Bolajon”, “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyo bo’ylab” телеканаллари бир йўла ана шу форматда ишлай бошлади. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда элликдан ортиқ давлат ва нодавлат телерадиоканаллар фаолият олиб бормоқда. Улар кундан кунга ўз аудиториясини кенгайтириб, кўрсатувлар сонини оширмоқда. Мамлакатимизда шакилланган анъанага кўра ҳар йилнинг охирида конституция байрамини нишонлаш арафасида мамлакатимиз Президенти томонидан ўтаётган йилга таҳлилий назар билан қаралади ва келаётган янги йилга ном берилади ҳамда йил вазифалари белгиланади. 2013 йил “Обод турмуш йили” деб

аталганлиги сабабли теле ва радиожурналистлар ҳам ўзларининг кўрсатув ва эшиттиришларини йилга мослаб тайёрлай бошлашди. Биргина, 2012 йилда “O‘zbekiston” телерадиоканалида “Гап бор”, “Менинг оилам”, “Аёл бахти”, “Қишлоқдан мактублар”, “Умр заволи”, “Моҳир кўллар”, “Ҳуқуқий ислоҳотлар”, “Мутаносиблик”, “Кашфиёт”, “Муסיқа мезони”, “Жавондаги жавоҳирлар”, “Нигоҳ”, “Муносабат”, “Фаровонлик кафолати”, “Бугун ва бир умр” каби янги телерадиодастурлар ташкил қилинди.

“Yoshlar” телерадиоканалида янги ташкил этилган телерадиодастурлар жумласига, “Менинг оилам”, “Оила меҳр булоғи” номли видеороликлар, “Ҳарбийлар сулоласи”, “Соғлом оила”, “Қалбим чечаги”, “Ҳаёт гўзал”, “Ибрат мактаби” кўрсатувлари ташкил этилди.

“Toshkent” телерадиоканалидаги телерадиодастурлар таркибига, “Спорт олами”, “Қабул соати”, “Бу ажиб дунё”, “Обод шаҳрим”, “Мактабда бир кун”, “Спортнинг бир куни”, “Бахт кўрғони”, “Фақат қизлар учун”, “Адолат мезони”, “Оила шифокори”, “Мен сизга айтсам”, “Қувноқ дақиқалар”, “Болалигим-олтин чоғ”, “Мустаҳкам оила фароғат манзили”, “Мени эслайсанми?”, “Мустаҳкам оила жамият таянчи”, “Ўзбегим йигитлари”, “Сўз сизга”, “Профессional”, “Аъло кайфият”, “Пойтахт йўллари” каби кўрсатувлари киради.

2012 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 1305 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 63 таси телевидение ҳисобланади. Телевидениедаги теледастурларининг айримларидан мисолий қиёслар келтириб,

таҳлил қиламиз. Уларнинг жанрий хусусиятлари, мақсади, маъно ва мазмуни ва аудиторияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

“Ассалом, Ўзбекистон” ахбори-мусиқий кўрсатуви: кўрсатув тонги дастурлар таркибидан ўрин эгаллаган бўлиб вақти 06:00 ва 12:00да бошланади. Эфир вақтининг бир соатини эгаллайдиган ушбу кўрсатув қатор лавҳалардан иборатдир. Худди шу кўрсатувнинг қиёсий ўхшаши “Toshkent” телерадиоканали орқали бериладиган “Салом, Тошкент” тонги дастуридир. Ушбу кўрсатувларни кузатиб борар эканмиз саҳифлардан иборат қатор лавҳаларни кўрамиз. Томошабинга тонги маълумотларни берибгина қолмай маънавий дам олишига ҳам имконият яратади. Ушбу кўрсатув ҳафтанинг ҳар бир кунда берилиб, уни Нозима Маликова, Фахриддин Самадов каби ёш бошловчилардан ташқари Дилдора Рустамова, Шухрат Қаямов каби таниқли суҳандонлар олиб боради. Кўрсатувнинг шу йил учинчи октябр сонида Дилдора Рустамова бошловчилигида қатор лавҳалар берилган. Кўрсатувнинг олиб боровчилик услуби ўзига хос бўлиб бошловчи халқ мақолларидан унумли фойдаланган. Мисол, “Умид қилдим етдим ноумид бўлдим йўқотдим”(кўрсатувнинг бошланишида). Кўрсатув таркибидан, “Интернет хабарлари” (Дилноза Миралимова), “Хабарлар” (Дилафрўз Усмонова), “Боливуд янгиликлари” (Шаҳноза Убайдуллаева), “Шифобахш табиат” (Дилафрўз Усмонова), “Сифатли маълумот” (Дилафрўз Усмонова), “Яшил салтанат” (Дилафрўз Усмонова), “Истеъдод”, “Моҳир қўллар” (Гавхар Ҳайдарова), “Фойдали маслаҳат” Зебунисо Ҳушвақтова, “Ёқимли иштаҳа”, “Тавсия”, “Мутахассис изоҳи”, “Сўз сеҳри”

(Умида Абдукаримова), “Бир яхшилик ҳақида”, “Автомаслаҳат” каби қатор лавҳа ва роликларни бериб боради. Кўрсатувнинг ўзига хос ютуқлари бўлгани каби қатор камчиликларини ҳам кузатишимиз мумкин.

1. Лавҳаларда ранг-барангликнинг йўқлиги. Масалан, мавзулар бир-бирига ўхшайди “Тавсия”, “Мутахассис изоҳи”, шу билан бирга барча лавҳалар ҳафтанинг ҳамма куни бериб борилади. Ҳар бир кун учун алоҳида мавзу танланиб мавзуга мос лавҳалар берилса томошабин учун қизиқарли бўлади.

2. Ёш ижодкорларнинг саҳифаларда бошловчилик қилишлари секин суръатларда амалга оширилмоқда. Барчамизга таниш суҳандонлар фаолиятидан чекиниб янги ва ёш қиёфаларни кашф этиш лозим.

3. Кўрсатувдаги яъна бир катта муаммолардан бири лавҳаларни кадр орти ўқийдиган мутахассисларнинг камлигидир. Масалан, шу йилнинг 21 октябр сонида журналист Дилафрўз Усмонова кетма-кет беш маротаба лавҳалар учун матн ўқиган. Бунинг салбий хусусияти томошабинда бир овозни эшитиш орқали келадиган зерикиш кайфиятини пайдо бўлишига сабаб бўлиши орқали намоён бўлади.

Телевидениенинг оммавий ахборот воситалари учун умумий аммо энг муҳим бўлган хусусиятларидан бири ахборот бериш ҳисобланади. Шундан келиб чиқган ҳолда бугунги информацион дастурларининг кўриниши ва хусусиятларини қисқача мулоҳаза қиламиз.

1. “O‘zbekiston” телерадиоканли орқали бериб бориладиган “Ахборот” информацион дастури мамлакатимизда рўй бераётган муҳим ўзгаришларни таҳлил қилишга қаратилган. Хориж хабарлари ва мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ва энг тезкор янгиликлар ўрин эгалаган. Танланган мавзулар муҳимлиги, янгилиги ва юртимиз сиёсий манфаатларига қай даражада тўғри келишига кўра мавзулар ёритилади.
2. “Yoshlar” телерадиоканали орқали бериб бориладиган информацион дастур “Давр” деб номланади. Информацион дастурнинг ёшларбоплиги унда танланадиган мавзуларга ҳам боғланиб кетади. Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий воқеликларнинг қизиқарлилиги ва долзарблиги ҳамда тезкорлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Хорижий хабарлар томошабин учун муҳим бир маълумотни ёки жуда сиёсий аҳамиятга эга янгиликни у қадар бермайди. Филипиндаги тўфон, ҳайвонот боғидаги янгилик ва тиббиётга оид муҳим кашфиётлар каби қизиқарли маълумотлар бериб борилади.
3. “Тошкент” телерадиоканали эфирларидан ўрин эгаллаган “Пойтахт” информациион дастурида Тошкенти шаҳри ва Тошкент вилоятидаги иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар, маънавий-маърифий янгиликлар ҳақида маълумотлар бериб боради.

Телевидениенинг сўнги йилларда замон билан ҳамқадам ривожланиб бораётганлигини белгиланган истиқболли режаларни

босқичма-босқич амалга ошириш йўлга қўйилган. Телевидениенинг техник базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида янги йўналишдаги кўрсатувларни тайёрлаб эфирга узатиш имкони туғилди. Йиллар давомида амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири замонавий техналогиялар ва иншоотларни қурилганлиги бўлди. Улар натижасида студиялар сони кенгайиб давра суҳбатлари, ток-шоулар ва мулоқотлар ташкил этилди. Янги-янги каналлар соғлом рақобат муҳитини вужудга келишига сабаб бўлди.